



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

• 2003 йил 11 январь, шанба

• №4 (11.495)

• Эркин нарҳда сотилади

Ҳамкорлик учун грант

Осиё тараққиёт банки (ОТБ) "Ипак йўли" кенгайтирилган ташаббусини амалга ошириш учун 950 минг АҚШ доллари миқдоридagi грант шаклидаги техник ёрдамни маъқуллади.

Мазкур грант иқтисодий ҳамкорлик орқали Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодий ўсиши ва ҳаёт даражасини оширишга кўмаклашишга қаратилган. Бу дастур доирасида асосий эътибор транспорт, энергетика ва савдони ривожлантиришга йўналтирилади.

Шунингдек, у ОТБ ва лойиҳада иштирок этаётган мамлакатлар ўртасидаги шерикликни мустаҳкамлашга ҳисса кўшиши ҳам мумкин.

Бу лойиҳа Озарбайжон, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон, Мўғулистон, Тожикистон ва Ўзбекистонни қамраб олади. Бу мамлакатлар Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлигида (МОИХ) қатнашмоқда.

Маълумки, Марказий Осиё мамлакатлари ақин тарихий, этник ва иқтисодий алоқаларга эга. Бу омилларни инобатга олиб, лойиҳага Афғонистон ҳам қўшилди. Унинг воситасида Жанубий Осиё билан, айниқса, транспорт ва энергетика соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш имконияти пайдо бўлади.

Тадқиқотлар Марказий Осиё республикалари билан Мўғулистон, Синцзян Уйғур автоном округи ва Хитой ўртасидаги ҳамкорлик имкониятларини аниқлаш мақсадида ҳам ўтказилади.

Зеро, Афғонистон Марказий Осиё республикалари табиий ресурсларини Жанубий Осиёга экспорт қилиш йўналишини таъминлаш мумкин. Айти пайтда бу республикалар ўз навбатида Афғонистонни тиклаш ва ривожлантириш ишига катта ёрдам кўрсата олади.

Жамшид РАУПОВ,
ЎЗА мухбири.

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

МАРДЛИК, МАТОНАТ ВА ФИДОЙИЛИК

мустақил Ўзбекистон Куролли Кучлари хизматчиларининг олий фазилати

... Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари сафига қирар эканман...

Шу аснода Улуғбек Шодиевнинг кўзи ўнгида икки харсанг орасидан шарқираб отилиб чиқувчи, ёз чилласида ҳам яхдек тиниқ сув тўлиб-тошиб оқувчи сой бўйидаги қишлоғи, кечки қуёш нурлари остида қорли чўқилари ялт-ялт ярқираб турувчи Чимён тоғлари гавдаланди. Эрта тонг яйловга ёйилаётган пода ортидан қараб қолган бувисининг сиражин чехраси, бостирма тагида қув пишаётган онасининг хаёлчан нигоҳи, ҳовлида копгоғини ерга уриб, чир айланаётган кенжа сингисиди Садоқатойнинг бамисоли парашют каби ёйилган этаклари лоп-лоп ўтди. Ҳар вақт оғир-босиқ овози бироз

титраб, тантанавор оҳанг касб этди. Сафда турган ўртоқлари қилт этишмас, лекин, шу аснода Улуғбек ҳарбий қасам сўзларини сал баландроқ, қандайдир ўзгача бир илиқлик, ифтихор билан ўқий бошлаганини ҳамма сезди. Ниҳоят, аскар йигит ҳарбий қасам қабул қилганлигини ўз имзоси билан тасдиқлади-да, шаҳдам қадамлар билан сафдан ўз ўрнини эгаллади.

Ўзбекистон Куролли Кучларидаги хизматни бошлаётиб, ҳар бир йигит ана шундай ҳаяжонли дақиқаларни бошидан кечиради. Шу ондан бошлаб, у ўз зиммасида шу азиз Ватан мудофааси учун алоҳида масъулият сезади, тонг чоғлари шу туйғу билан уйғониб, жанговар, маънавий-сиё-



сий тайёргарлик машқларини бошлайди.

Ҳарбий қасам шундай бир куч берадики, қумли чўлда, осмонда ловуллаб турган қуёш оташи остида ҳам жанговар топшириқни бажариш учун ўзингда туганмас бир интилиш сезасан, киши.

Отаси армияда танкчи бўлган. У ҳарбий хизмат йилларини кўп эслаб гапдонлик қилмас, бироқ, тун ярмида ишдан қайтиб келиб, китоб

(Давоми 3-бетда).

Ибн Сино халқаро жамғармаси — тўрт ёшда

Президентимиз Ислам Каримов Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти бўлган асосий устувори йўналишлардан бири — жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кескин кучайтиришдан иборат эканини алоҳида таъкидлади.

Бугунги кунда мамлакатимизда юзлаб нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда. Шундай жамоат ташкилотла-

ридан бири — Ибн Сино халқаро жамғармасидир.

Жамғарма герантология, маслаҳат марказларига эга. Тиббиёт

олий ўқув юртлири учун қомусий олим таълимоти бўйича ўқув дастурларига асос солинди ва амалда татбиқ этилмоқда. Ибн Сино кутубхонаси ва музейи ташкил қилинган. Юртимиздаги ОИТС профилактикаси бўйича олиб борган ишлари учун Ибн Сино жамғармаси Жаҳонатан Мэнн халқаро мукофотида сазовор бўлган.

ЎЗА.

Умид ниҳоллари — 2003

МАЙДОНДА ЎҚУВЧИ-ЁШЛАР

Мамлакатимизда ёш авлодни ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш йўлида жуда катта ишлар қилинмоқда. Бу борада, айниқса мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» спорт мусобақалари алоҳида ўрин тутди.



Шуни таъкидлаш керакки, бу мусобақалар Президентимизнинг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш, белгиланган тадбирларнинг ба-

жарилишида катта роль ўйнайди. Чунки, «Умид ниҳоллари» мактаб ўқувчиларининг спорт мусобақаларидир. Айти кунларда Республикаимизнинг барча вилоятларида бу мусобақалар бўлиб ўтмоқда.

Шу йилнинг 8 январь куни Чирчиқ шаҳридаги «Кимёгар» спорт залида вилоят халқ таълими бошқармаси тизимидаги умумий ўрта таълим мактабларининг 5-7-синф ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақала-

(Давоми 2-бетда).



ТАҲРИРИЯТДА ДАВРА СУҲБАТИ

«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари таҳририяти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида баён этилган асосий йўналишлар бўйича давра суҳбатлари ташкил этиб, тахлилий мақолалар бериб бормоқда. Кун кеча ўтган навбатдаги давра суҳбати фуқаролик жамиятини шакллантиришда нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кучайтириш масалаларига бағишланди. Асосий диққат-эътибор ҳуқуқий давлат ва демократик жамиятни барпо этиш жараёнида, мулк хилма-хиллиги шароитида меҳнат-қашларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда касба уюшмаларининг ролини янада ошириш вазифаларига қаратилди.

Мулоқотда Тошкент вилоят-қасаба уюшмалари кенгашининг раиси Муҳайё Тўлаганова, агросаноат ходимлари қасаба уюшмаси вилоят кўмитасининг раиси Бахтиёр Ҳалилов, «Ўзбек-Қобул» қўшма корхонаси қасаба кўмитаси раиси Шухрат Қосимов, «Ўзбекиммемаш» акциядорлик жамияти қасаба кўмитаси раиси Анатолий Бугаев, Чиноз тумани деҳқон-фермер хўжалиқлари қасаба кўмитаси раиси Абдували Носиров ва бошқалар иштирок этишди.

Давра суҳбатини «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталарининг бош муҳаррири Фатҳиддин Муҳиддинов бошқарди.

(Давра суҳбати ҳақидаги мақолани газетамизнинг навбатдаги сонларида ўқийсиз).
Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

ВИЛОЯТ ҳаёти

ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚЛАРИНИ БИЛМОҒИ КЕРАК

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга катта эътибор берилмоқда.

Чирчиқда бўлиб ўтган йилги шундай масалалар муҳокама қилинди.

Унда сўзга чиққанлар, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонун, қарорларни жойларда тарғиб этишни кучайтириш ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар, таклифлар киритдилар.

Салима ЯМИНОВА.

ҲАШАРЛАР БОШЛАНДИ

Янгийўлда халқ депутатлари туман кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. «Обод маҳалла йили»га бағишланган тадбирлар мажмуи муҳокама қилинди.

Йил давомида бажариладиган вазифалар, хусусан, мавжуд 67 маҳаллада ободонлаштиришга оид масалалар кўрилди. Туман ҳокимининг бу хусусдаги қарор ва фармойишлари қандай бажарилаётганлиги атрофлича кўриб чиқилди.

Ҳозирданоқ жойларда манзарали дарахтлар, арча кўчатларини ўтказиш ишлари бошлаб юборилди. Унда Гулбахор, Эски Қовунчи, Гулистон, Ниёзбош ва бошқа маҳаллалар етакчилиги қилиб, оммавий ҳашарлар уюштирилмоқда.

Ўз мухбиримиз.

Беминнат ёрдам

Ногиронларни тиббий-ижтимоий ва касбий реабилитация қилиш миллий марказида Американинг САҒЕ компанияси томонидан юборилган мурувват ёрдамини топшириш маросими бўлди.

Маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва ижтимоий ҳимоя вазирлигининг ўринбосари Анвар Акбаров етим-есирларга, бемор, ногиронларга доимий эътиборда бўлиш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қув-

ватлаш халқимизнинг буюк қадриятларидан бири эканини таъкидлади. Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб аҳолининг кам таъминланган қатлами ижтимоий муҳофаза қилиш, ногиронларни тиббий ва касбий реабилитация

йўли билан фаол ҳаётга қайтариш жамиятни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган эди.

Ногиронларга кўрсатилаётган ижтимоий ёрдам, уларнинг маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши, уларга ҳаётдан ўз ўрнини топиш имконини яратиш - буларнинг барчаси ҳукуватимиз ҳамжўрлигининг ёрқин намунаси ҳисобланади. Хусусан, санаторийларда ноги-

ронларга бепул хизмат кўрсатиш, уларни реабилитация техника воситалари, турли протез ва ортопедик маҳсулотлар билан таъминлаш, касб ўргатиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳажми тобора ошиб бормоқда.

Марказга САҒЕ юборган умумий қиймати қарийб 200 минг АҚШ долларига тенг махсус кроватлар, аравачалар, дори-дармонлар, тиббиёт бўйича китоблар тақдим этилди. Совгаларни САҒЕ компанияси президенти Жефф Ливерман топширди.

Хулқар СОДИҚОВА,
ЎЗА мухбири.

Биологик дренаж афзалликлари

Ўзбекистон Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтида биологик дренаж ёрдамида дарахт кўчатларини етиштиришнинг замонавий ва самарали услуби жорий этилди.

Биологик дренаж - тижорат усулида дарахт етиштириш. Бу кўкаламзорлаштиришнинг замонавий, экологик тоза услубидир. У ер ости сувлари даражасининг пасайиши, ботқоқлашган ва қўллаб қолган жойларда тупроқнинг шўрланишига қарши кураш, тижорат мақсадларида ёғоч олиш, ер майдонларини тиклаш ва улардан самарали фойдаланиш каби долзарб муаммоларни ҳал этишга қаратилган.

Таъкидлаш жоизки, бундай биодренажни бошқариш автоматлаштирилган. Биодренаж услуби ғояси намликни кўп талаб этадиган тез ўсувчан дарахт турларини ўстириш йўли билан хавф солаётган экологик муаммоларни даромад келтирадиган лойиҳаларга айлантириш имконини беради. Биодренаж инсоннинг нотўғри ҳатти-ҳаракатлари оқибатида юзага келган экологик муаммолар табиатга катта таъсир ўтказган Австралияда кенг қўлланади.

Бугун бу илғор услуб Ўзбекистонда ҳам ривожлантирилмоқда. Биологик дренаж ва тижорат учун дарахт ўстириш лойиҳаси Фарғона водийсида МАШАВ (Исроил Ташки ишлар вазирлиги Халқаро ривожланиш маркази), мамлакатимиз Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти ёрдамида ҳамда Америка Халқаро ривожланиш агентлиги - ЮСАИД молиявий кўмагида амалга оширилмоқда.

Турли йилларда ўтказилган тажрибалар маҳаллий шароитда ушбу услуб катта салоҳиятга эга эканлигини исботлади.

Назкат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

2003 йил - Обод маҳалла йили

"Экосан"нинг янги дастури

"Экосан" халқаро экология ва саломатлик жамғармаси фооллари йиғилишида "Экосан" маҳаллада мақсадли дастур тақдими бўлиб ўтди.

Унда республика вазирликлари, идоралари, жамоат ташкилотлари, йирик компания ва фирмалари - жамғарма ҳамкорлари раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишни "Экосан" жамғармаси раиси Ю.Шодиметов бошқарди.

Янги дастур доирасида чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш лозим. Улар орасида "Энг обод маҳалла" республика кўрик-танловини ўтказиш ҳам кўзда тутилган. Унинг иштирокчилари фаолияти ер майдонлари, ичимлик сув, электр энергияси, табиий газдан тўғри фойдаланиш, машиный чиқиндиларни камайтириш, маҳалла ҳудудининг санитария ҳолати каби мезонлар асосида баҳоланади. Турар жойларда анъанавий Экология ва саломатлик кунлари давомида экологик санбаликлар ўтказилади. Ўсиб келаётган авлодни тарбиялашда маҳалланинг ўрнини кучайтириш, аҳолининг экологик-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда жамғарманинг "Аёллар ва экология" узоқ муддатли дастурини бажариш давомида хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ўстириш масалалари юзасидан учрашув ва конференциялар ташкил этилади.

ЎЗА.

Маънавият бешиги

Республика "Маънавият ва маърифат" марказида мамлакатимизда жорий йил Президентимиз Ислам Каримов томонидан Обод маҳалла йили деб эълон қилингани муносабати билан ўтказилган йиғилиш ана шу мазгуга бағишланди.

Марказ раҳбари А.Болиев бошқарган мазкур тадбирда Обод маҳалла йилининг халқимиз ҳаётидаги аҳамияти, маҳаллаларда тарғибот ва таъсирчанликни ошириш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар, ўсмир-ёшлар онгида дунёқарашни тўғри шакллантиришда маҳалланинг ўрни билан боғлиқ мазгилларда маърузалар тингланди, кизгин бахс-мунозаралар бўлди.

О. НОРБЕКОВ,
ЎЗА мухбири.

МАЙДОНДА ЎҚУВЧИ-ЁШЛАР

ри III-финал босқичи беллашувлари старт олди. Унинг тантанали очилиш маросимида сўзга чиққанлар келажак авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб етиштирилишида спортнинг ўрни нақадар катта эканлиги, шу боис ҳукуватимизнинг бугунги кунда спортни янада кенг оммалаштиришга жиддий эътибор бераётганлиги хусусида фикр юритдилар.

Чирчиқ шаҳар спорт мактаби акробатчиларининг бадий чиқишлари мусобақанинг кўтаринки кайфиятда бошланишига замин яратди. Шу кун Чирчиқ шаҳрининг ўзида спортнинг кураш, бадий гимнастика, қўл тўпи, Ангренада баскетбол, стол тенниси, Оҳангаронда волей-

(Давоми. Боши 1-бетда).



бол, Олмаликда сузиш, катта теннис, Оққўрғонда футбол, Қибрайда шохмот, хуллас спортнинг жами 12 тури бўйича мусобақаларга старт берилди. Вилояти-мизнинг Оҳангарон, Чирчиқ, Олмалик, Янгийўл шаҳарлари ва Ўртачирчик, Зангиота, Чиноз, Қибрай, Тошкент, Оққўрғон, Янгийўл туманларидан жами 11 та гуруҳ «Умид ниҳоллари» мусобақаларининг республика

босқичига йўлланма учун беллашишди. Унинг якуний натижаларини газетанинг навбатдаги сониди эътиборингизга ҳавола этамиз.

Хуршида НАЗАРОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

СУРАТЛАРДА: «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларидан лавҳалар.

Еркебой БОТИРОВ
суратлари.

Семинар

ДОТСнинг силга қарши навбатдаги стратегияси

Тошкентда мамлакатимиз тиббиёт олий ўқув юртлари ўқитувчилари, магистрлари ва клиник ординаторлари учун силнинг қисқа муддатли кимёвий терапиясига (ДОТС) бағишланган уч кунлик ўқув семинари бошланди.

Семинар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан АҚШнинг Халқаро ривожланиш бўйича агентлиги (ЮСАИД) билан биргаликда ташкил этилди.

Мамлакатимизда силга қарши кураш дастури ХОУП лойиҳаси (Project HOPE) томонидан Марказий Осиё давлатларида жорий этилаётган умумий стратегиянинг таркибий қисмидир. Бу лойиҳа 2000 йилдан Ўзбекистонда ДОТС стратегиясини жорий эта бошлади.

Ҳозирги вақтда ЮСАИД томонидан молиялаштирилаётган сил бўйича дастур республиканинг 10 та туманини қамраб олади. ДОТС дастурининг мақсади мамлакатимизда силга қарши кураш самарадорлигини оширишдир. У ўқитиш, мониторинг ва баҳолаш, лаборатория ва офис ускуналари сотиб олиш, дори-дармонлар етказиб бериш ҳамда аҳоли саломатлигини яхшилашга кўмаклашишни ўз ичига олади. Бугунги кунгача лойиҳа доирасида Ўзбекистондаги ДОТС маркази ходимлари билан бирга 1678 нафар тиббиёт ходими, шу

жумладан 576 нафар фтизиатр, 947 нафар умумий даволаш тармоғи шифокори, 45 нафар ҳамшира ва 100 дан ортиқ лаборатория мутахассиси ўқитилди. Бундан ташқари, туманларга 1750 нафар беморни даволаш учун етадиган миқдорда силга қарши оқори самарали дори-дармонлар етказилди.

ХОУП дастурининг халқаро экспертлари ва маслаҳатчилари дастур сифатини яхшилаш масалаларида доимий техник ёрдам кўрсатмоқда. Лойиҳа томонидан белгиланган туманлардаги силга қарши шифохоналарга компьютер, лаборатория ускуналари, шу жумладан инкубаторлар, биологик хавфсизлик жавонлари, бинокюляр микроскоплар, центрифугалар, музлатгичлар етказиб берилди.

Семинарда клиник ва лаборатория мутахассислари лойиҳалар мониторингини ўтказди ва баҳолади. Семинар қатнашчиларига силга қарши курашда маслаҳат ёрдами кўрсатилди.

Ҳ. СОДИҚОВА,
ЎЗА мухбири.

Жорий ўқув йилининг ярми ортда қолганига қарамай, ўқувчиларни ўқув қуроллари, айниқса, дарсликлар билан таъминлаш ишлари белгиланган режа асосида жадаллик билан давом этмоқда.

ИЖАРАГА ДАРСЛИКЛАР

Халқ таълими вазирлигидан маълум қилишларича, тизимдаги чуқур ислохотлар самараси ўларок, дарсликларнинг янги авлодини яратиш мақсадида давлат томонидан ажратилган маблағлар миқдори кейинги 3 йил мобайнида қарийб 6 баравар кўпайган. Хусусан, бу кўрсаткич 2001 йилда 1,9, 2002 йилда эса 8,8 миллиард сўмни ташкил этди. Натижада ўтган йили мактаб кутубхоналарини тўлдириш учун бир неча миллион нусха дарсликлар нашр қилиниб, кутубхоналар жамғармаси қўшимча 18,2 миллион нусха китоб билан тўлдирилди.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдаги "Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ умумтаълим мактабларининг кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчилари кутубхоналар фондидаги дарсликлардан бепул фойдаланиш тартиби жорий этилди. Қарорда 2002 йил 1 сентябрдан бошлаб эҳтиёжманд ўқувчиларнинг камида 75 фоизи, 2003 йил 1 сентябрдан эса юз фоизини дарсликлар билан ана шу тарзда таъминлаш белгиланган.

Халқ таълими вазирлиги 2001-2002 ўқув йилида Қорақал-

поғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги биттадан туманда дарсликлар етказиб беришнинг ижара усулини тажриба-синовдан ўтказди. Унга кўра ўқувчи мактаб кутубхонасидан бутун йил учун зарур дарсликларни нархининг тўртдан бир қисмини тўлаб олади. 2001 йилда ижара тизимида 14 тумандан 575 мактаб иштирок этган бўлса, 2002 йилдан бошлаб 156 тумандан 8 минг 640 мактаб бу имкониятдан фойдаланмоқда.

Жойларда дарсликлар билан таъминлаш ижара тизимини жорий этиш ишларининг таҳлилий натижалари дастлабки йилдаёқ бу янгилик талай афзалликларга эга эканини кўрсатди. Ижара тизими ўқувчиларни тежамкорликка, орталикка ўргатаётган бўлса, ота-оналар учун муайян қулайликлар яратяпти. Келгусида мазкур тизимни янада кенгроқ қўллаш зарурлиги ҳақида истақ ва таклифлар билдирилмоқда.

Дарсликлар яратиш ва чоп этиш тизими ҳам тубдан янгиланди. Ҳозир республикамиз ва хорижий мамлакатлар давлат ва нодавлат нашриётлари ўртасида ташкил этилган махсус танловдан ўтган 34 номдаги дарслик биринчи навбатда кутубхона фонди ҳамда ижара тизими учун харид қилинаётир.

Беҳбуд БОТИРОВ,
ЎЗА мухбири.

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

ЮРТ МЕҲРИ
ДИЛИМИЗДА

Бекобод, Пскент, Ўртачирчиқ туманларининг умумтаълим мактабларида ёшларда ватанпарварлик туйғуларини тўғри шакллантириш ҳамда турли ноҳуш ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида «Мардлар кўриқлайди Ватани», «Куч — адолатда», «Сафдошингни ҳурмат қил» мавзуларида давра суҳбатлари ўтказилди.

Вилоят ўрта-маҳсус касб-хунар, халқ таълими, мудофаа ишлари бошқармалари, хотин-қизлар кўмитаси, вилоятдаги чегара кўшинлари ва «Ватанпарвар» ташкилоти, ҳокимликлар ҳамкорлигидаги бундай тадбирлар касб-хунар коллежлари, академик лицейларда ҳам ўтказилди.

Ўз мухбиримиз.

Ҳарбий интизомнинг мустаҳкамлиги жанговар шайликнинг юксак эканлигидан далолат. Танкчилар взводи жанговар тайёргарликда айнан ана шу омил бўйича қисмда етакчи деб топилди. Тўғри, бу аввало, жамоанинг ютуғи. Аммо, шахсий таркибни руҳлантириб, уларда касбий маҳорат, кўникма, тажрибалар ҳосил қилишга уринаётган командирни ҳам унутмаслигимиз керак.

Жамоанинг ҳарбий интизом мустаҳкамлигида намуна экани ўз-ўзидан бошқа жанговар тайёргарликлар даражасига ҳам таъсир этди. Дейлик, тактика, техник, ижтимоий-сиёсий, жисмоний, оммавий қирғин куролларидан ҳимояланиш тайёргарликлари бўйича танкчи шунқорлар ўқув натижаларни қўлга киритдилар. Айниса, полигонда бўлиб ўтган амалий машғу-

лотлар взвод жангчиларининг жанговар шайлиги юксак эканлигини исботлади. Капитан Машхур Аглаев ёзғи

эга эканлигини кўрсатди. Капитан М.Аглаев взводга командир этиб тайинлангандан сўнг, аввало эътиборни

ЖАНГОВАР
ШАЙЛИК ЮҚОРИ

Жанговар тайёргарлик бўйича киши мусобақаларда капитан Машхур Аглаев взводи олдинда

ўқув мавсуми бошланишидан биров олдин бу вазифага тайинланганига қарамай, ўз жамоасини олдинги марраларга олиб чиқа билди.

Шу ўринда танкчиларнинг устози хусусида ҳам тўхталасак. Машхур 1996 йилда Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юртини тугатган. Чирчиқлик бу ўғлон гуруҳ командирини вазифасида хизмат қилган пайтидаёқ юксак маҳоратга

жанговар тайёргарликни ташкил этиш масаласига қаратди. У ҳар ҳафта учун машғулотлар режасини тузиш, офицерлар, кичик командирлар билан машғулотлар ўтказиш масаласига жиддий ёндашди.

— Танкчилар билан маслаҳатлашиб, ниятни катта қилиб турибмиз. Аввало киши ўқув мавсумининг дастлабки оий натижалари бўйича пешқадамликни қўлга



киритдик. Умуман, мавсум давомидаги саъй-ҳаракатларимизнинг бари жанговар шайлигимизни янада юқори поғоналарга кўтаришга қаратилган, — дейди взвод командирини капитан Машхур Аглаев.

Капитан А.САФАРОВ.

СУРАТДА: капитан М.Аглаев.

К.ТЎРАЕВ олган сурат.

МАРДЛИК, МАТОНАТ
ВА ФИДОЙИЛИК

ўқиб, ёки уй топшириқларини бажараётган ўғлининг ёнига аста ўтирарди-да, шундай гапларни айтардики, Улугбек бундайин ҳикояларни ҳеч бир китобдан топа олмасди.

— Мен ҳам танкчи бўлман, — деди бир куни у отасига.

— Бу шунчаки осон иш эмас, болам, — деди Баҳром ака. — Танкчи ҳаракатчан, тезкор, Алпомишдек кучли бўлиши керак.

Ҳарбий хизматга қақирилган биринчи куни мудофаа ишлари бошқармасида фақат танк қисмларига жўнатишни илтимос қилди. Офицер унинг тийрак нигоҳи, жўшиб турган вужудига кўз ташлаб, қулиб қўйди.

— Менга сендек йигитлар

(Давоми. Боши 1-бетда).

керак, ука...

Мана бугун Улугбек Бойсун тоғларида хизмат қилапти. Разведкачи. Ҳарбий хизматга қақирув пунктида дафъатан учрашган, дил иштиёқини изҳор этгани ўша офицер — капитан Шамсидин Мирқомиллов взводида хизматни ўтапти.

Ҳарбий хизмат ёшларнинг камолотида муҳим ўрин тутиши хусусида қўл гапирармиз. Бундай таъкид ниҳоятда ўринли. Шу сабаб ўринлики, қасамд қабул қилиб, қўлига курол олган йигитлар армияда чиникиб, чин маънода улғайиб, борлиқ ва ҳаёт, оила ва юрт хусусида чуқур мушоҳада юрита бошлайдилар. Орзулари, интилишлари ва ҳаракатлари аниқ, мақсадли тус олади. «Ҳарбий хизмат, — деб таъкидлади Юртбошимиз иккинчи қақирқ Олий



Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида, — кишидан бошқа соҳа мутахассисларига нисбатан кўпроқ мардлик, матонат ва фидойилик фазилатларини, ўз Ватани олдидаги бурчини ва қасамдига содиқликни талаб қилади».

Мустақиллик йилларида Куролли Кучларимизни сифат жиҳатидан қайта қуриш борасида қўламли ишлар бошланди. Ўзбекистон Республикаси ўз олдида қўйган улуг вазибаларнинг босқичма-босқич рўёбга чиқариб борилиши мамлакатимиз тинчлигига, сарҳадларимиз мустаҳкамлигига боғлиқ эканлигини бугун ҳаммамиз чуқур хис этиб яшаётимиз.

Шу боис Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси иккинчи қақирқ Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги Ку-

ролли Кучларни ислоҳ қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар, бажарилиши доим бўлган вазибаларга доир фикрлари алоҳида мазмун ва моҳият касб этмокда. Одамларда, бутун жамятда ҳарбий қисмлар, бўлинмаларда хизматнинг боришига, аскар ўғлонларимизнинг жанговар ҳаётига қизиқиш ва хайрихоҳлик, ундан манфаатдорлик туйғуси янги-янги кўринишларда намоён бўлмокда.

Шундай интилиш бугун кўпчилик йигитларимизга хос. Улар энг замонавий куролларни пухта эгаллаб, Ватан ҳимоясига ҳамиша тайёр турдилар. Бу азиз юртимиз сарҳадлари дахлсизлиги, мустақиллигимиз ишончли ҳимояланишининг кафолоти бўлиб қолади.

Жўрабек МУРОДОВ.

Оммавий ватанпарварлик ойлгининг сўнги кунлари Ватан ҳимоячиларининг йилда бир бора нишонланувчи байрам тантаналарига уланиб кетяпти. Шу муносабат билан жойларда қатор тадбирлар ўтказилмокда.

ИБРАТЛИ
ТАДБИР

Навбатдаги маърифий-маънавий тадбир Чирчиқ шаҳридаги Зобитлар уйида ўтказилди. Уни Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ва ушбу марказнинг вилоят бўлими ташкил этишди. Тадбир «Ватан — саждагоҳ каби муқаддасдир» мавзусига бағишланган.

Тадбирда ҳарбий хизматчилар, фахрий ҳарбийлар, шаҳар умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари ҳамда касб-хунар коллежларининг талаба-ёшлари жамул-жам бўлишди. Учрашувни Республика «Маънавият ва маърифат» маркази бўлим бошлиғи, педагогика фанлари номзоди Ақром Ақмалов бошқарди. У асосий диққат-эътиборни миллий мафкура ва Ватан ҳимояси мавзусига қаратди. Сўнгра таниқли шоир Нормурод Нарзуллаев ўз шеърларидан ўқиб берди. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг санъаткорлари ўз кўшиқлари билан даврага файз киритишди.

Худди шу каби тадбир файзи Чирчиқ Олий танк кўмондонлари ва муҳандислари ҳарбий билим юртига ҳам кўчди.

— Ҳамма ҳам газета ўқиб, радио эшитиб, ойнаи жаҳонни томоша қилишга имкон тополмаслиги мумкин. — дейди Республика «Маънавият ва маърифат» маркази вилоят бўлимнинг раҳбари Суяр Курбонқулов. — Биз ўтказаятган тадбирларда одатда 400-500 киши маъруза тинглайди. Тадбир ва учрашувдан чиққан қарияларимиз чойхонада одамларга сўзлаб беради, ёшлар эса ота-оналари, оила аъзолари билан фикрлашишади.

Хуршида МЎМИНОВА.

ЙИГИТЛАРИМИЗ —
ФАХРИМИЗ

«Соғлом авлод учун» халқара хайрия жамғармаси вилоят бўлими ёшларни жисмонан чиниқтириш борасида ҳам бир қатор ишларни амалга ошираяпти. Гимнастика, айниқса, кураш бўйича ўсмирлар ва ёш қизлар ўртасида ўтказилаётган мусобақалар фикримизнинг далилидир.

— Ҳарбий-ватанпарварлик ойлги режалари доирасида ўсмирларнинг жисмоний тарбияси ва тиббий соғломлаштирилишига айниқса, эътиборни кучайтирмокдамиз, — дейди жамғарма вилоят бўлимнинг раҳбари Гулсанам Ваҳобова. — Лекин, биз истиқболга яна ҳам кенгроқ назар ташлаб, бу ишларни йил давомида изчил олиб бормоқни режалаштирдик.

Жамғарма мутахассислари бу борадаги барча ишларни аниқ режалаштириб, амалга оширишга киришишди.

С. ЖОВЛИЕВ.

Янги йилнинг илк кунлари Қўчқор ака Авазов хонадонига қўш қувонч олиб кирди. Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўтаётган фарзандлари Рихситилладан мактуб келди:

ҚЎШ ҚУВОНЧ

«...Ассалому алайкум азиз ва меҳрибон Отажон ва Онажон. Сизларни кириб келган янги — 2003 йил билан қутлайман. Тинчлик-хотиржамлик, соғлиқ-саломатлик доимо Сизларга ҳамроҳ бўлишини тилайман.

Йигитлик бурчимни муносиб бажараяпман. Ҳозир қизгин жанговар ўқув машғулот-

лари ўтмокда.

Она-Ватан, она-Замин — бу тушунчалар нақадар улуг бир маъно, моҳиятга эга эканлигини тобора чуқур англаб етайман. Қасамга садоқат билан хизмат қилаёпман. Куролдош дўстларим, зобит раҳбарларимизнинг қўллаб-қувватлашлари менга мадад бермокда.

Янги йилда ҳам сиз азизла-

Аскар мактуби

римни бахт-саодат, омад ва қувонч тарк этмасин.

Биз — ўғлонларингиз сизларнинг тинчлигингизни ҳар вақт, ҳар дақиқа мардона кўриқлаб, хизматни кечакундуз сергак давом эттирмаймиз...

Шу куни Қўчқор ака хонадонидан байрам бўлиб кетди. Қўни-қўшнилари, қариндош-уруғлар ҳаво-десант қисмида хизмат қилаётган Рихситиллага янги-янги муваффақиятлар тилаб, жавоб мактуби ёзишди.

Dushanba

13

«Ўзбекистон» телеканал

Телетомошабилар диққатига!
Профилактика муносабати билан душанба, 13 январь кун «Ўзбекистон» телеканал кўрсатувлари соат 15.00 дан бошлаб кўрсатилади.

15.00 «Тахлилнома».

15.45 «Ошин». Телесериал.

16.15 «Тўртинчи ҳокимият».

16.35 «Талабалик йилларим».

«Болалар сайёраси»:

16.55 1. «Бешбармоқ».

2. «Олтин тож».

Телевизион ўйин.

17.55 ТВ маркет.

18.00 Янгиликлар

18.10 «Қалб гавҳари».

18.30 «Мулкдор».

18.45 «Бахтли воқеа».

Телелотерея.

19.15 «Бир жуфт кўшиқ».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 Биржа ва банк хабарлари.

20.30 «Ахборот».

21.05 «2003 йил - Обод маҳалла йили».

«Кўпчилик қаторида».

21.25 «Премьера олдидан».

21.50 Ватан химоячилари кунига «Келин-куёв». Телешоу.

23.05 «Ахборот-дайжест».

23.25 «Янги йил базми».

0.45-0.50 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.

9.00 Давр тонги.

10.00 Янги авлод студияси: «Катта танаффус».

10.25 «Қиролликдаги саргузаштлар».

Мультсериал. 5-қисм.

10.50 Мусий лаҳзалар.

11.00 «Давр» ҳафта ичида.

11.30 ТВ-анонс.

11.35 «Жюли Леско».

Сериал. 19-қисм.

12.25 Саломатлик сирлари.

12.45 Давр-news.

13.05 Жаҳон жуғрофияси.

13.55 Кўҳна оҳанглар.

14.05 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.

14.55 Спорт ҳафтанома-си.

15.10 «Остона». Телевизион бадий фильм. 2-қисм.

16.00 Огоҳлик давр талаби.

16.15 «Қадимги шўхликлар». Бадий фильм.

17.35 Кўрсатувлар дастури.

17.40 «Янги авлод» почтаси, «Болалар шеърляти».

18.10 «Қиролликдаги саргузаштлар».

Мультсериал. 6-қисм.

18.35 ТВ-анонс.

18.40 Оқшом навалари.

18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 Давр.

19.35 ТВ-анонс.

19.40 Ёшлик кўшиқлари.

19.55 «Бугуннинг ёшлари» туркумидан: «Парвоз» видеофильми.

20.15 Ёшлар овози.

20.35, 21.25, 22.35 Эълонлар

20.40 «Остона». Телевизион бадий фильм. 3-қисм.

зион бадий фильм. 3-қисм.

21.30 Кишлоқдаги тенгдошим.

21.50 Олтин мерос.

22.00 Давр.

22.40 ТВ-анонс.

22.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.

23.10 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида - 23.55 Давр.

1.00-1.05 «Хайрли тун!»

«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 ТТВда сериал: «23,5 даражали бурчак остида». 56-қисм.

17.45, 18.50, 21.15 «Экспресс» телегазетаси.

18.05 Болажонлар экрани.

18.15 «Спорт ва болалар».

18.30, 20.00, 21.35 «Пойтахт». Ахборот дастури.

19.10 «Нима учун?»

20.30 Янги йил кўрсатувлари саҳифаларида.

21.55 «Янги йилни севаман». Байрам шоуси. 1-қисм.

23.55 «Пойтахт шарҳи».

0.20 «Янги йилни севаман». Байрам шоуси. 2-қисм.

1.50-1.55 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал

Биринчи канал 7.30-9.00

17.45 Кўрсатувлар тартиби.

17.50 «Вести».

18.10 «Евроньос» янгиликлари.

18.25 Л. Гурченко «Карнавал оқшоми» комедиясида.

19.55 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий

кўрсатув.

21.00 «Время».

21.35 «Бизнес-ревью».

21.40 «Дунё мамлакатлари».

22.00 Кинематограф. «Темирйўлдаги муҳаббат». Бадий фильм.

23.40 «Ахборот» (рус тилида)

0.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

16.55 Дастурнинг очилиши. 17.00 Шоу соати.

17.40, 20.45 «Телехамкор». 18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Йиғлаётган қотил». 19.30 «Ошиқона» мусикий дастури.

19.45 «Қора қарға». Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телетабрикнома.

21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Аёл мантиги-2». 23.15 «30-канал»да спорт.

Seshanba

14

«Ўзбекистон» телеканал

ВАТАН ХИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»

8.00-8.35 «Ахборот».

8.35, 17.55 ТВ маркет.

8.40 Газеталар шарҳи.

9.00 «Камалак».

Болалар учун кинодастур.

9.40 «Соз сеҳри».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар

10.05 «Мулкдор».

10.20 «Қор мадиқаси». Бадий фильм.

11.45 Мусикий танаффус.

12.05 «Нурли манзиллар».

12.25 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.

12.45 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Мардлар мактаби».

13.15 Эстрада тароналари.

13.35 «Кўпчилик қаторида».

13.55 ТВ анонс.

14.10 «Сийёсат оламида».

14.30 Кундузги сеанс: «Йўлбошчи». Бадий фильм.

15.50 «Осори атиқаларимиз».

16.10 ТВ клип.

16.15 «Баркамол авлод орзуси».

16.35 «Жиз-биз».

Ҳажвий ҳангома.

16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».

18.10 «Қалқон».

18.30 «Куйла, ёшлигим».

18.50 «Ватан химоясида».

19.05 «Тафсилот».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз

тилида)

20.30 «Ахборот».

21.05 Мардлар кўриқлайди Ватанни. Ватан химоячилари кунига бағишланган кўрсатув.

22.30 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.

23.00 «Ахборот-дайжест».

23.20-23.25 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.

9.00 Давр.

9.15 «Янги авлод» почтаси, «Болалар шеърляти».

9.45 «Қиролликдаги саргузаштлар».

Мультсериал. 6-қисм.

10.10 Мусикий лаҳзалар.

10.20 ТВ-анонс.

10.25 «2000 йилдан сўнг». Сериал.

10.45 Бизнес академия.

11.05 Бола тилидан.

11.35 «Жюли Леско». Сериал. 20-қисм.

12.25 Кўҳна оҳанглар.

12.35 Интерфутбол.

14.15 «Остона». Телевизион бадий фильм. 3-қисм.

15.00 Ҳарбий-ватанпарварлик кўшиқлари.

15.10 «Пастга қарама». Бадий фильм.

16.40 Кўрсатувлар дастури.

16.45 «Янги авлод» студияси: «Келинг танишайлик».

17.15 «Қиролликдаги саргузаштлар».

Мультсериал. 7-қисм.

17.40 ТВ-анонс.

17.45 Солиқ ҳақида сабоқлар.

18.00 Ёшлар овози.

18.20 Муқаддас бурч.

18.40 Оқшом навалари.

18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 Давр.

19.35 ТВ-анонс.

19.40 Муҳаббат кўшиқлари.

20.00 Давр-интервью.

20.15, 21.15, 22.35 Эълонлар

20.20 «Остона». Телевизион бадий фильм. 4-қисм.

21.20 Ватан ҳақида кўшиқ.

21.25 Марди майдон.

21.45 Олтин мерос.

22.00 Давр.

22.40 ТВ-анонс.

22.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.

23.10 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: «Нокаут».

23.35 Давр.

23.50 - 23.55 «Хайрли тун!»

«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 «ТТВда сериал: «23,5 даражали бурчак остида». 57-қисм.

17.45, 19.10, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.

18.05 «Халқ саломатлиги йўлида».

18.30, 20.00, 21.10, 22.40 «Пойтахт» ахборот дастури.

18.50 «Химоя».

19.30 «Ватан тароналари».

20.30 ТТВда сериал:

«Мафтункор аёл».

21.30 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».

22.10 «Осойишталик посбонлари».

22.55 Кинонигоҳ. «Чинор остидаги дуэль».

0.00-0.05 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал

Биринчи канал 7.30-9.00

17.55 Кўрсатувлар тартиби.

18.00 «Вести».

18.15 «Евроньос» янгиликлари.

18.30 «Машхурлар». Т. Доронина.

19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.

20.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.

21.00 «Время».

21.40 «Бизнес-ревью».

21.45 «Долзарб мавзу».

22.00 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)

22.10 «Ахборот» (рус тилида)

22.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар» Сериал. 10.40 «Жанговар санъат олами».

11.10 «Сирларимиз ёзи». Сериал. 12.00 «Чақирув буйича оқсоч». Комедия. 13.30 «Яго, зулмат эхтироси». Телесериал. 15.00 Телешоу.

16.00 «30-канал»да спорт». 16.50 «Шоу соати». 18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Нью-Йоркда куз». 19.30 «Ошиқона». Мусикий дастур. 19.45 «Қора қарға». Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телетабрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Мен — император». 23.15 Рестлинг титанлари.

Chorshanba

15

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»

8.00-8.35 «Ахборот».

8.35 ТВ маркет.

8.40 Газеталар шарҳи.

9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Ёшлик шиддати».

9.20 Дугор, танбур тароналари.

9.40 «Бахтимизга омон бўлинг».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар

10.05 «Тафсилот».

10.20 «Чипполино». Бадий фильм.

11.40 «Рангин дунё».

12.05 «Мардлар кўриқлайди Ватанни». Ватан химоячилари кунига бағишланган кўрсатув.

13.30 «Ошин». Телесериал.

14.10 «Остонаси

тиллодан».

14.30 «Шов-шув».

Телесериал.

16.10 «Ишонч».

16.25 «Ягона оилада».

16.55 «Буни умр дерлар».

«Болалар сайёраси»:

17.10 1. «Орзулар қанотида». 2. «Яшил чироқ».

18.10 «Хунарманд».

18.30 «Умид». Телелотерея.

19.00 «Бир жуфт кўшиқ».

19.10 «Мулкдор».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 «Озма-юз».

20.30 «Ахборот».

21.05 «Ўзбекистон - Ватаним маним».

21.25 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.

Спорт дастури:

21.55 1. «Умид юлдузлари». 2. «Спорт, спорт, спорт».

22.25 «Пойдевор».

Видеофильм. 3-қисм.

23.15 «Ахборот-дайжест».

23.35-23.40 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.

9.00 Давр.

9.15 «Янги авлод» студияси: «Келинг, танишайлик».

9.45 «Қиролликдаги саргузаштлар».

Мультсериал. 7-қисм.

10.10 Давр-интервью.

10.25 Тараққиёт уфқлари.

10.45 Мусикий лаҳзалар.

10.55 ТВ-анонс.

11.00 «2000 йилдан сўнг». Сериал.

11.20 Солиқ ҳақида сабоқлар.

11.35 «Жюли Леско». Сериал. 21-қисм.

12.25 Ёшлар овози.

12.45 Болалар экрани: «Кичик дўстлар саргузаштлари».

13.20 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: 1. «Нокаут». 2. «Теннис».

14.25 Кўҳна оҳанглар.

14.35 Муқаддас бурч.

14.55 «Остона». Телевизион бадий фильм. 4-қисм.

15.50 «Учинчи сайёра маърифий дастури».

16.40 Кўрсатувлар дастури.

16.45 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабулар», «Ҳар соҳага саёҳат».

17.20 «Қиролликдаги саргузаштлар».

Мультсериал. 8-қисм.

17.45 ТВ-анонс.

17.50 Ёшлар овози.

18.10 Кафолат.

18.30 Каталог.

18.40 Оқшом навалари.

18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 Давр.

19.35 ТВ-анонс.

19.40 Ракурс.

20.00 Спортлото.

20.10 Очил дастурхон.

20.40 «Ёр ишқи».

Мусикий дастур.

20.55, 21.25, 22.35 Эълонлар

21.00 «Рэй Бредбери театри». Телесериал.

21.30 Чемпион сирлари.

21.50 Олтин мерос.

22.00 Давр.

22.40 ТВ-анонс.

22.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.

23.10 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида - 23.55 Давр.

1.00-1.05 «Хайрли тун!»

«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 «ТТВда сериал: «23,5 даражали бурчак остида».

58-қисм.

17.45, 19.10, 21.55 «Экспресс» телегазетаси.

18.05 Болажонлар экрани.

18.30, 20.00, 21.10, 22.15 «Пойтахт» ахборот дастури.

18.50 «Мусикий меҳмон-

хона».

19.30 «Аёл-она, мурабий, раҳбар» телеклуби.

19.50 ТТВда мусиқа.

20.30 ТТВда сериал: «Мафтункор аёл».

21.30 «Ҳамшаҳарлар».

22.40 Кинонигоҳ. «Худди ота-боладек».

23.55-24.00 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал

Биринчи канал 7.30-9.00

17.55 Кўрсатувлар тартиби.

18.00 «Вести».

18.15 «Евроньос» янгиликлари.

18.30 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.

19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.

20.00 «Рус рулеткаси». Телеўйин.

21.00 «Время».

21.40 «Бизнес-ревью».

21.45 «Азиз инсонлар».

22.05 «Ахборот» (рус тилида)

22.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар» Сериал. 10.40 «Яхши кайфият».

11.10 «Сирларимиз ёзи». Сериал. 12.00 «О кей». Комедия. 13.30 «Яго, зулмат эхтироси». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.00 «30-канал»да спорт». 16.50 «Шоу соати». 18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Грейслинггача 3000 миль». 19.30 «Ошиқона». Мусикий дастур. 19.45 «Қора қарға». Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телетабрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Али». 23.15 Спорт дастури.

Payshanba

16

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»

8.00-8.35 «Ахборот».

8.35 ТВ маркет.

8.40 Газеталар шарҳи.

«Болалар сайёраси»:

9.00 1. «Орзулар қанотида». 2. «Яшил чироқ».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар

10.05 «Мулкдор».

10.20 «Кичкина малика». Бадий фильм.

11.45 Мусикий танаффус.

12.05 «Фанимиз истиқболлари».

12.25 ТВ анонс.

Спорт дастури:

12.30 1. «Умид юлдузлари». 2. «Спорт, спорт, спорт».

13.00 «Ўзбекистон - Ватаним маним».

13.20 «Ошин». Телесериал.

13.50 ТВ клип.

14.10 «Яхшилар ёди».

14.30 «Шов-шув».

Телесериал.

16.10 «Оламини асранг!»

16.30 «Барҳаёт навалар».

«Болалар сайёраси»:

16.50 1. «Соғломжон - полвонжон». 2. «Қизикарли учрашувлар».

17.40 «Харита». Ҳалқаро шарҳ.

18.10 «Ўзбекистон : XXI аср ёшлари».

18.30 «Яхши ният».

Телелотерея.

19.00 «Инсон ва қонун».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)

20.30 «Ахборот».

21.05 Ўзбекистон халқ артистлари.

21.30 «Гап чиқди».

Телешоу.

22.05 «Бир жуфт кўшиқ».

22.15 «Пойдевор».

Видеофильм. 4-қисм.

23.05 «Ахборот-дай-

жест».

23.25-23.30 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.

9.00 Давр.

9.15 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабулар», «Ҳар соҳага саёҳат».

9.50 «Қиролликдаги саргузаштлар».

Мультсериал. 8-қисм.

10.15 Тафаккур ёлқинлари.

10.30 Мусикий лаҳзалар.

10.40 ТВ-анонс.

10.45 «2000 йилдан сўнг». Сериал.

11.05 Кафолат.

11.25 «Жюли Леско». Сериал. 22-қисм.

12.15 Спорт-қитъаси (рус тилида)

12.40 Чемпион сирлари (рус тилида)

13.00 Ёшлар овози.

13.20 Интерфутбол.

15.00 Кўҳна оҳанглар.

15.10 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.

16.00 Ракурс.

16.20 «Учинчи сайёра»

маърифий дастури.

16.50 Кўрсатувлар дастури.

16.55 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».

17.20 «Қиролликдаги саргузаштлар».

Мультсериал. 9-қисм.

17.45 ТВ-анонс.

17.50 «Coscom» хабарлари.

18.00 Мезон.

18.20 Табобат оламида.

18.40 Оқшом навалари.

18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 Давр.

19.35 ТВ-анонс. ►

19.40 Севги тароналари. 20.00 «Давр»-интервью. 20.15 Дийдор. 20.35, 21.25, 22.35 Эълонлар. 20.40 «Буни ишқ дейдилар». Бадий фильм. 1-қисм. 21.30 Ёшлар овози. 21.50 Олтин мерос. 22.00 Давр. 22.40 ТВ-анонс. 22.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.

23.10 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида - 23.55 Давр. 1.00-1.05 «Хайрли тун!»

«Тошкент» телеканалли

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал «23,5 даражали бурчак остида». 59-қисм. 17.45, 19.05, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.

18.05 Болажонлар экрани. 18.30, 20.00, 21.10, 22.20 «Пойтахт». Ахборот дастури. 18.50 «Навнихол». 19.25 «Камолот фасли». 19.50 «Жозиба». 20.30 ТТВда сериал: «Мафтункор аёл». 21.30 «Умр йўлдоши». 22.45 Кинонигоҳ. «Аршин мол-олон». 0.15-0.20 «Хайрли тун, шахрим!»

«Халқаро» телеканал

Биринчи канал 7.30-9.00 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Вести». 18.15 «Евроныйос» янгиликлар. 18.30 «Биз анойи эмасмиз». Ҳажвий кўрсатув. 19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал. 20.00 «Заиф бўгин».

Телеуйин. 21.00 «Время». 21.40 «Бизнес-ревью». 21.45 «Юқори технологиялар олами». 21.55 «Ишбилармон кишилар». 22.15 «Соккер клуб». 22.35 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 22.45 «Ахборот» (рус тилида) 23.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс, ёки кучли рейнджерлар» Сериал. 10.40 «Яхши кайфият». 11.10 «Сирларимиз ёзи». Сериал. 12.00 «Америкада ишлаб чиқарилган». Комедия. 13.30 «Яго, зулмат эхтироси». Телесериал.

15.00 Телешоу. 16.00 «30-канал»да спорт». 16.50 «Шоу соати». 18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Келишувларсиз». 19.30 «Ошикона». Мусикий дастур. 19.45 «Қора қарға». Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телеабрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Уч қирол». 23.15 Спорт дастури.

JUMA

«Ўзбекистон» телеканалли

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 - 8.35 «Ахборот». 8.35 ТВ маркет. 8.40 Газеталар шарҳи. «Болалар сайёраси»: 9.00 1. «Соғломжон - полвонжон». 2. «Қизикарли учрашувлар». 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар 10.05 «Инсон ва қонун». 10.30 «Калиш». Қисқа метражли бадий фильм. 11.00 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари». 11.20 Мусикий танаффус. 11.35 «Озода бўлса шахринг». 11.55, 13.55 ТВ анонс. 12.05 «Пойдевор».

Видеофильм. 3-қисм. 12.55 ТВ клип. 13.05 «Пойдевор». Видеофильм. 4-қисм. 14.10 «Олам». Телеальманах. 14.35 «Чегарачи». 14.55 «Хуқук сабоқлари». 15.15 «Шов-шув». Телесериал. 16.55 «Фарзанд - умид юлдузи». «Болалар сайёраси»: 17.20 «Уйла, изла, топ». Телемусобақа. 18.10 «Махалламиз стадиони». Спорт дастури. 18.30 Мумтоз наволар. 18.45 «Шахс ва жамият». 19.05 «Ҳидоят сари». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртаклари. 20.15 Бир жуфт кўшиқ.

20.30 «Ахборот». 21.05 «Сийёсат оламида». 21.25 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси. 21.55 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар. 22.20 «Олтин бешик». 22.40 «Ахборот - дайжест». 23.00-23.05 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканалли

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр. 9.15 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус». 9.40 «Қиролликдаги саргузаштлар». Мультсериал. 9-қисм. 10.05 «Давр»-интервью. 10.20 Мусикий лаҳзалар. 10.35 ТВ-анонс. 10.40 Жаҳон жуғрофияси. 11.30 Ёшлар овози. 11.50 «Жюли Леско».

Сериал. 23-қисм. 12.40 Мезон. 13.00 Интерфутбол. 14.40 Кўҳна оҳанглар. 14.55 «Китлар ҳақида ҳикоя». Хужжатли фильм. 15.45 Илдииз ва япроқ. 16.05 «Буни ишқ дейдилар». Телевизон бадий фильм. 1-қисм. 16.50 Кўрсатувлар дастури. 16.55 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?». 17.15 «Қиролликдаги саргузаштлар». Мультсериал. 10-қисм. 17.40 ТВ-анонс. 17.45 Автосалтанат. 18.00 Ёшлар овози. 18.20 Хуқук ва бурч. 18.40 Оқшом наволари. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 Давр. 19.35 ТВ-анонс. 19.40 Ёшлик кўшиқлари. 20.00 «Давр» нигоҳи. 20.20 Жар ёқасида. 20.35, 21.25, 22.35 Эълонлар 20.40 «Буни ишқ

дейдилар». Телевизон бадий фильм. 2-қисм. 21.30 Аскар мактублари. 21.50 Олтин мерос. 22.00 Давр. 22.40 ТВ-анонс. 22.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал. 23.10 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: «Ринг қироллари». 0.10 Давр. 0.25 - 0.30 «Хайрли тун!»

«Тошкент» телеканалли

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал «23,5 даражали бурчак остида». 60-қисм. 17.45, 19.20, 22.20 «Экспресс» телегазетаси. 18.05 Болажонлар экрани. 18.30, 20.00, 21.10, 22.40 «Пойтахт». Ахборот дастури. 18.50 «Саодат калити». 19.40 Мусикий танаффус.

19.45 «Эл хизматида». 20.30 ТТВда сериал: «Мафтункор аёл». 21.30 «Янги иқтисод». Бевосита мулоқот. 23.05 Кинонигоҳ. «Сугур кун».

0.35-0.40 «Хайрли тун, шахрим!»

«Халқаро» телеканал

Биринчи канал 7.30-9.00 17.50 Кўрсатувлар тартиби. 17.55 «Вести». 18.10 «Евроныйос» янгиликлари. 18.25 Хужжатли детектив. 19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал. 19.55 «Мўъжизалар майдони». 21.00 «Время». 21.35 «Бизнес-ревью». 21.40 Жон Траволта «Фуқаролик даъвоси» фильмида. 23.40 «Ахборот» (рус тилида) 0.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 — «Телехамкор». 9.30, 14.10 — Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар». Сериал. 10.40 «Яхши кайфият». 11.10 «Сирларимиз ёзи». Сериал. 12.00 «Қимор ўйинлар». Триллер. 13.30 «Яго, зулмат эхтироси». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.00 «30-канал»да спорт». 16.50 Шоу соати. 18.00 «30-да ринг қироллари. 18.50 Юмор дастури. 19.30 «Ошикона». мусикий дастур. 19.45 «Қора қарға». Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телеабрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Фантоцида яна кўнгилсизликлар». 23.15 Спорт дастури.

SHANBA

«Ўзбекистон» телеканалли

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 Ахборот». 8.35 ТВ маркет. 8.40 Газеталар шарҳи. 9.00 «Ўзбектеlevision» намоиши: «Юнус Ражабий». 9.25 «Ҳидоят сари». «Болалар сайёраси»: 9.45 1. «Уйла, изла, топ». Телемусобақа. 2. «Кел дўстлашайлик». Мультфильм. 10.35 «Олтин бешик». 10.55 ТВ анонс. 11.00 ТВ-1 кинотеатри: «Титаник». Бадий фильм. 1-қисм. 12.35 «Ўзбекистон бастакорлари». 12.55 «Титаник». Бадий фильм. 2-қисм. 14.30 «Адабий жараён». 14.55 «Урдақчалар саргузашти». Мультфильм. 15.35 «Кўҳна замин оҳанглари».

15.55 «Ягона оилада». 16.25 «Гап чиқди». Телешоу. 17.00 «Бу ажиб фасл». Телеальманах. 17.20 «Юрт ўғлонлари». Спорт дастури. 17.40 «Рангин дунё». 18.00 «Мўъжизалар майдончаси». Телешоу. 18.55 «Ўзбекино» тақдим этади: «Муқаддас ёғду». Премьера. 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртаклари. 20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 20.30 «Ахборот». 21.05 «Обод уйда пок одамлар яшайди». 21.25 «Қизлар давраси». 23.00 «Ахборот - дайжест». «Тунги ёғду»: 23.20 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Гладиатор». Бадий фильм. 1-қисм.

0.35-0.40 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканалли

7.55 Кўрсатувлар дастури. 8.00 «Давр тонги». 9.00 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?». 9.20 «Карлсоннинг қайтиши». Мультфильм. 9.40 Табобат оламида. 10.00 «Давр» нигоҳи. 10.20 Мусикий лаҳзалар. 10.35 ТВ-анонс. 10.40 Ёшлар овози. 11.00 «Бунёдкор» ёшлар телеклуби. 11.25 Ринг қироллари. 12.25 Кутилмаган меҳмон. 12.45 Чемпион сирлари. 13.05 «Андоз». Бадий фильм. 1-қисм. 14.35 Мусикий дастур. 14.55 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Теннис. 15.35 Ҳандалак. 16.15 «Буни ишқ дейдилар». Бадий фильм. 2-қисм. 17.00 Очун. 17.25 Кўрсатувлар дастури.

17.30 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма». 17.50 «Мульттомоша». 18.05 ТВ-анонс. 18.10 Футбол плюс. 18.30 Каталог. 18.40 Оқшом наволари. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 Давр. 19.35 ТВ-анонс. 19.40 Кўҳна оҳанглар. 19.50 «Давр»-репортаж. 20.00 Муҳаббат кўшиқлари. 20.20, 21.10, 22.35 Эълонлар 20.25 «Буни ишқ дейдилар». Бадий фильм. 3-қисм. 21.15 Оҳанрабо. 21.50 Олтин мерос. 22.00 Давр. 22.40 ТВ-анонс. 22.45 Тунги тароналар. 22.55 «Нажот кемаси». Бадий фильм. 0.25-0.30 «Хайрли тун!»

«Тошкент» телеканалли

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 «Мультчархпалак». 17.40 «Жаҳон географияси». 18.10, 19.40, 20.40

«Экспресс» телегазетаси. 18.30 «Афиша». 18.50 Мусикий лаҳзалар. 19.00 «Пойтахт». Шанбадан-шанбагача (рус) 19.20 «Хусусийлаштириш: кадам-бақадам». 20.00 «Табриклаймиз-қутлаймиз». 21.00 «Пойтахт». Шанбадан-шанбагача. 21.10 «Мисли гаҳвар». 21.25 Кинонигоҳ. «Зоя». 1-2 сериялар. 23.45-23.50 «Хайрли тун, шахрим!»

«Халқаро» телеканал

9.00 Кўрсатувлар тартиби. 9.05 «ТВ-4да мусика». 9.10 «Мультсеанс». 9.20 «Икки рояль». 10.10 «Лаззат». 10.30 Е. Петросяниннинг Кулгу панорамаси. 11.05 «Табиатшунос билан саёҳат». 11.35 «CFI янгиликлари». 11.45 «Афғонистондаги тиклианиш». Хужжатли фильм. 12.05 «Сирасини айтганда». Ток-шоу.

12.45 Болалар соати: «Буратино». Бадий фильм. 2-қисм. 13.45-14.45 «Дўстлик» видеоканали: «Ўзбекистон - умумий уйимиз», «Умид», «Бизнес мирас». 18.10 Кўрсатувлар тартиби. 18.15 Тото Кутуньо, Н. Кадишева, Лолита, Аль Бано, Л. Вайкуле «Кремлдаги Сан-Ремо» концертида. 19.25 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий кўрсатув. 20.00 «Ким миллионер бўлишни истайди». Байрам сони. 21.00 «Время».

Тунги канал: «Ҳали кеч эмас»:

21.25 «Т. Полонская билан бирга». 21.45 «Услуб». 21.55 «Шлягер». 22.10 «Спорт технологияси». 22.25 «Хит парад». 22.45 «Яшаш муҳити». 23.00 «Бешикчи гилдирак». 23.15 «Тунги навбатчилик». 23.30 «Муз zone».

23.40 «Автострада». 23.50 Ахборот (рус тилида) 0.25 Киносанс: «Сабрина». Бадий фильм. 2.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 — «Телехамкор». 9.30 «Деннис-шумтака». Мультсериал. 10.00 Болалар учун фильм. 11.30 Юмор дастури. 12.00 Оилавий кино. «Само қалдирғочлари». 2-серия. 13.40 «Дискавери соати». 14.30 Кундузги кинозал. «Ўз хоҳиши бўйича севиб қолган». 16.10 Дам олиш дастури. 16.40 «Яширин камера билан». 17.00 Телеуйин. 18.10 «30-канал» кинооқшоми: «Видок». 19.45 «Ошикона». Мусикий дастур. 20.00 «Вовочка». Сериал. 20.30 «Клип-совга». Телеабрикнома. 21.05 «Нина. Севги учун ҳақ тўлаш». Сериал. 22.00 «30-канал»да кинооқшом. 23.30 Мусикий дастур.

Yakshanba

«Ўзбекистон» телеканалли

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.40 «Ахборот». 8.40 «Камалак». Болалар учун кинодастур. 9.20 «Юрт ўғлонлари». Спорт дастури. 9.40 «Фозу турналар». Мультфильм. 10.00 «Ватанимга хизмат қиламан». 11.00 «Она мехри». 11.20 «Кувнок стартлар». Телемусобақа. 11.50 Телевизон миниатюралар театри. 12.20 «Куйла, ёшлигим». 12.40 ТВ-1 кинотеатри: «Уйда ёлғиз - 1». Бадий фильм. 14.20 «Уй бекаси». 14.40 «Уйда ёлғиз - 2». Бадий фильм. 16.30 Талабалик йилларим». «Болалар сайёраси»: 16.50 1. «Чек». Телено-

велла. 2. «Олтин тож». Телевизон уйин. 17.45 «Қалб гаҳварчи». 18.05 «Портретга чизгилар». 18.25 «Туртинчи ҳокимият». 18.45 «Оқ олтин». Телелотерея. 19.15 «Бир жуфт кўшиқ». 19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар 19.30 «Тахлилнома» (рус тилида) 20.05 Эстрада тароналари. 20.30 «Тахлилнома». 21.15 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи». 22.15 «Спорт оламида». Яқшанба кинозали: 22.45 «КиноТеатр». 23.05 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Гладиатор». Бадий фильм. 2-қисм. 00.20-00.25 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканалли

7.55 Кўрсатувлар дастури.

8.00 «Давр тонги». 9.00 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма». 9.20 Футбол плюс. 9.40 «Давр»-репортаж. 9.50 Оҳанрабо. 10.25 Чемпион сирлари. 10.45 Очил дастурхон. 11.15 Зинама-зина. 11.45 Болалар экрани. «Олти жаҳонгашта». 12.50 «Ёшлар» телеканалида ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1. Марди майдон. 2. Аскар мактублари. 13.30 «Андоз». Бадий фильм. 2-қисм. 15.00 Ўзбекистон Давлат консерваторияси талабалари куйлайди. 15.20 Кишлоқдаги тенгдошим. 15.40 «Буни ишқ дейдилар». Бадий фильм. 3-қисм. 16.25 XVII жаҳон чемпионатининг энг чиройли голлари. 16.55 Кўрсатувлар дастури. 17.00 «Янги авлод» студияси: «Имкон» телеуйини. 17.35 Спорт ҳафтанома-си. 17.50 «Учинчи сайёра»

маърифий дастури. 18.40 Оқшом наволари. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 «Давр»-news. 19.20 ТВ-анонс. 19.25 Ёшлик кўшиқлари. 19.50, 20.40, 22.30 Эълонлар 19.55 «Буни ишқ дейдилар». Бадий фильм. 4-қисм. 20.45 «Заковат» интеллектуал уйини. 21.45 Олтин мерос. 22.00 «Давр» ҳафта ичида. 22.35 ТВ-анонс. 22.40 Тунги тароналар. 22.50 «Надомат белгилари». Бадий фильм. 0.30-0.35 «Хайрли тун!»

«Тошкент» телеканалли

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 «Эртақларнинг сеҳрли олами». 19.00, 20.10, 21.25 «Экспресс» телегазетаси. 19.20 «Табриклаймиз-қутлаймиз». 19.50 «Телефакт». 20.00 «Пойтахт». Шанбадан-шанбагача. 20.30 «TV плюс». 21.00 «Пойтахт шарҳи».

21.45 «Жаҳон географияси». 22.15 Кинонигоҳ. «Салом, мен холангизман». 23.50-23.55 «Хайрли тун, шахрим!»

«Халқаро» телеканал

9.00 Кўрсатувлар тартиби. 9.05 «ТВ-4да мусика». 9.10 «Мультсеанс». 9.20 «Ўз-ўзига режиссёр». 10.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдалари». 10.30 «Ҳамма уйдалигида». 11.10 «Кайфият». Информацион дам олиш дастури. 12.40 «Парле ву франсез?». 13.05 «Фан-тайм». 13.15 «Экран зийнати ва қиймати». 13.45 «Инглиз тили Сиз учун». 14.10 «English for fun». 14.20 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 14.30-15.50 «Дўстлик» видеоканали: «Дидар», «Маврид», «Ўзбекис-

тон- умумий уйимиз», «Корейс тилини ўрганамиз». 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Дурдаршан». 18.30 «Кун мавзуси». 18.50 «Ҳинд оҳанглари». 19.10 «Тозалик жонкуяри». Бадий фильм. 21.05 «7 кун». Ҳафта якунлари. 21.30 «Тенгдошлар». 22.00 «Кинопрофи». 22.20 «Тахлилнома» (рус тилида) 23.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 11.30, 17.45, 20.45 «Телехамкор». 9.30 «Деннис-шумтака». Мультсериал. 10.00 Болалар учун фильм. 12.00

Оилавий кино. «Само қалдирғочлари». 2-серия. 13.40 «Дискавери соати». 14.30 Кундузги кинозал. «Ўз хоҳиши бўйича севиб қолган». 16.10 Дам олиш дастури. 16.40 «Яширин камера билан». 17.00 Телеуйин. 18.10 «30-канал» кинооқшоми: «Пистирма». 19.45 «Ошикона». Мусикий дастур. 20.00 «Бизда ҳамма уйда». Ҳажвий сериал. 20.30 «Клип-совга». Телеабрикнома. 21.05 «Нина. Севги учун ҳақ тўлаш». Сериал. 22.00 «30-канал»да яқшанба кинооқшоми. «Зорро ниқоби». 23.40 Спорт шарҳи.

Давлат мулк қўмитаси томонидан 1996 йил 6 сентябрда «TAMQUR» МЧЖга берилган 005236 сонли давлат ордери йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар Юнусобод туман ҳокимининг 2000 йил 1 декабрдаги 2010-сонли қарори билан Джўраева Муҳаббатхон Тўрабоевна номига берилган 1013782 рақамли яқка тартибдаги тадбиркор гувоҳнома-си йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фахрийларимиз

ҲАМОН ИЖОДА, ҚАМОН МЕҲНАТДА



Давраларда ўзаро гурунг ва суҳбатларда илмли, катта-катта лавозимларда ишлаган, шунга қарамай, ўзини ниҳоятда камсуқум олиб юрадиган, самимий, дилкаш, ҳаммага бирдек ширин муомалада бўладиган одамлар ҳақида гап кетганда, «қалби тоза инсон-да» таърифни эшитамиз. Бу ўша кишига халқнинг берган юксак баҳосидир. Кекса журналист, ёзувчи ва шоир Назармат оға Эгамназаров ҳақида ҳам шундай фикрларни айтиш ўринли.

Уруш заҳматларини чекиб, эсон-омон юртига қайтган оға «фойда»га қолган умрини, ўзи ният қилиб қўйганидек, ижодга бағишлади. Турли нашрларда фаолият кўрсатди. Қатор-қатор шеърини ва насрий китобларини чоп эттирди. У кўп йиллар давомида ўзи учун ардоқли ва сеvimли бўлган «Тошкент ҳақиқати» рўзномасининг

адабиёт ва санъат бўлимини бошқарди.

Мен ҳам олийгоҳда ўқиб юрган кезларимда амалиётни асосан, оғанинг бўлимида ўтказганман. Улардан таҳсил олганман. Газетачиликнинг сир-асрорларидан хабардор бўлганман. Ниҳоят Назармат оға мени ишга таклиф қилдилар. Ўзлари бош муҳаррирга учрашиб, газетага ишга қабул қилинишимга кўмаклашдилар.

Газетада баҳолиқудрат меҳнат қила бошлаганимдан сўнг ҳам, доимо менга йўл-йўриқ кўрсатиб, руҳлантириб, ютуқларимдан қувониб, камчиликларимни кўрсатиб, ўринли маслаҳатлар бериб келдилар. Назармат оға ана шундай шогирдпарвар инсон сифатида обрў қозонган. Улардан сабоқ олган шогирдлари ҳали ҳамон турли нашрларда муваффақиятли фаолият кўрсатиб келмоқдалар.

Оға энг аввало, садоқатли инсон. У тўғри сўзликни ёқтиради. Меҳнат кишинини улуғлайди, ардоқлайди, ҳурматини жойига қўяди. Хушомадгўй, лаганбардорлардан иложи борица на-рироқ юришни шуш кўради. Оғанинг энг яхши фазилатларидан яна бири шуки, у ҳар қандай шароитда ҳам ўз оромидан кечи-б, зарур юмушларини қолдириб бўлсада, инсонларга қўлдан келганча ёрдам берадн. Фарзандларини ҳам ана шу руҳда тарбиялаганликлари учун улар ўз меҳрибон оталарига раҳмат келтирмоқдалар.

Устозимнинг ёшлари 85 дан ошганига қарамай, ҳамон ижод билан машғул эканликлари, ҳаракатдан, меҳнатдан тўхтамай, елиб-югуриб юрганликлари сири ҳам шунда. Омон бўлинг, кўп яшанг, азиз устоз!

Носир РИХСИЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

КўНГИЛ ДЕЮР

Билармисан яратилган сен учун дунё,
Тонгда сенга салом берар самодан зиё,
Кеч бошланса ором ол дер сокин тун сиё,
Шу деб ўтган Момоҳаво ҳам Одамато,
Кўнги деюр, йўлга чиқсанг, оламга қара,
Олам эса деюр, аввал одамга қара.

Шивирлайди шабадалар қулоғинг чертиб,
Тоғлар муздек нафасини қалбингга элиб,
Экинларнинг уруғларин қайта у экиб,
Шукур айлар бор жонизот муродга етиб,
Кўнги деюр, йўлга чиқсанг, оламга қара,
Олам эса деюр, аввал одамга қара.

Оламаноҳ нури келур заминга мангу,
Нигоҳларни силаб ўтар мунаввар ёғду,
Унутма дер, заминда бор асал ҳам оғу,
Инсон учун аҳли имон, ҳамкорлик эзгу,
Кўнги деюр, йўлга чиқсанг, оламга қара,
Олам эса деюр, аввал одамга қара.

Туриб тонгда сен уйингдан қарайсан йўлга,
Оби-ҳаво сокинлигин тугиб кўнгилга,
Юмуш юкин қараб аста олурсан кўлга,
Уйлармисан хизматингни бурчли деб элга,
Кўнги деюр, йўлга чиқсанг, оламга қара,
Олам эса деюр, аввал одамга қара.

ЗАМОНАМИЗ ҚАХРАМОНИ

Замонамиз қахрамони оддий одамлар,
Улар азмин куйлар элга соҳиб қаламлар,
Бунёдларин чирой айлар кўркига диёр,
Истиқболнинг йўларида буюк қадамлар.
Улар замин кенг бағрида фидойи жонлар,
Чўлқуварлар бўлиб жойин ортда қолдирган,
Бунёд этиб она элда гулшан жаҳонлар.
Орзуларин Истиқлолга амал олдирган,
Аҳли фанга тафаккурлар доим мадакдор,
Илму фанда кашфларини Ватан ардоқлар,
Мардларига очар замин бағрини диёр,
Зар кониға айланади қуму тупроқлар.
Она-Ватан фарзандлари, марди бизлар деб,
Қўтлуғ йўлин давом этар аҳли бунёдкор,
Замонамиз Қахрамони бу кун шулар деб,
Буюк неъмат саркорларин шарафлар диёр.

МУҲАББАТДАН

Туғилганман бу жаҳонда муҳаббатдан,
Энди эса қуядурман муҳаббатдан.
Ҳижрон чўғин учирмоққа ҳолим етмас,
Учиргайман у оташни садоқатдан.
Садоқатнинг боғи васли нажотимдир,
Етолмасам ёлғиз ўтгум бу ҳаётдан.
Ёрижоним қўлин тутгум умрим бўйи,
Бирга юриб, бахт топарман меҳр ҳимматдан,
Дил ёнмаса чин муҳаббат гулин ёзмас.
Роҳат келур тортсанг сўнг у машаққатдан,
Севишганлар аҳди вафо, куй, қўшиқдир,
Истар наво, у дилнома Назарматдан,
Туғилганман бу жаҳонга муҳаббатдан,
Энди эса қуядурман муҳаббатдан.

МАРДЛАР МАДҲИ

(Посбонлар қўшиғи)

Боғлар ошиб, тоғлар ошиб олға юраимиз,
Йўллар ўтиб, чўллар ўтиб, манзил кўраимиз.
Биз борамиз оромгоҳу гулшанлардан ҳам,
Сарҳад бўйлаб, Ватан бўйлаб сергак тураимиз,
Бу она диёр,
Мустақил диёр.

Истиқболи порлоқ эрур бунёди борнинг,
Истиқлол буюк соғлом авлоди борнинг,
Озод юртнинг фидойиси, содиқмиз ҳардам,
Сарҳад бўйлаб, Ватан бўйлаб сергак тураимиз,
Бу она диёр,
Мустақил диёр.

КЕКСА БОҒБОН

Кекса боғбон Наврўз айёмин
Ўзи севган боғда ўтказди.
Топиб қандак ўрик қиёмин,
Яна боққа кўчат ўтказди.
Йиллар ўтиб чаман бўлди боғ,
Эрта пишар гилос ранг олган.
Ҳосилига имлайди япроқ,
Эл қўлини соғиниб қолган.

Ўзди баҳор мевасин боғбон,
Эл-юртига айлайди эҳсон,
Кўёш меҳрин тотиб бир жаҳон
Мевалари бол эмган, нақшон.
Ярқирайди яшил япроқлари,
Гулдор гилам ёнган сағрига,
Хушбўй сочиб еллар ўйноқлар,
Чорлар тўқин ҳосил бағрига.
Мевазорин айланар боғбон,
Ҳар қадамда олам неъматини,
Боғ кўринар унга бепоён,
Она ерга синган заҳматини.
Бирда гулу, бирда довучча,
Меваларин хили бир жаҳон.
Ялангочди дарахтлар кеча,
Бугун эса нақши намоён.

УНУТМА ДЕР

Гоҳида хаёлга чўмар бу дилим,
Бўронли ёшлигим эслаб кетаман.
Дўстларингни унутма дер ҳур элим,
Ёдда у жангоҳлар, ундан ўтаман.
Бирга ўқиб, тенгдош бўлган дўстларим,
Кўринади дилда салобат билан.
Тугён урар шунда хотир, эсларим,
Ўтли йўллар ўтар жасорат билан.
Қайси элда хоки қолган дўстларим,
Олтмиш йилдир дилдан ўтар у оташ,
Шаҳид дўстлар билан бирга бу дилим,
Унутма дер, элга керак эрк, яшаш.

ТЎРТЛИКЛАР

Меҳр қўйсанг йўлинг обод элингда,
Қалбинг ранги қолар унган чўлингда,
Донни тутсанг қуш қўнади қўлингда,
Маҳоватни кутар дунё йўлингда.

Уринган ундирар темирдан гултож,
Ғайратнинг йўлида гул ёзар ишонч,
Ерга дон тушса уйғум дер хирмон,
Қалбинг қўри ила топар у ривож.

Хотира қадрли эзгу ўй билан,
Юрт кўрки кенг, равон кўча-кўй билан,
Бунёдкор эришса улуг мақсадга,
Нишонлар у янги орзу-ўй билан.

Ижодкордан элга қалам қолади,
Миришкордан ерда кўклам қолади.
Кўрку кўклам элнинг мангу чиройи,
Заҳматидан қўтлуғ қадам қолади.

Сир бўйида боғда кўрдим барнони,
Бир иффатли, дилбар гули рабнони,
Ақлим олди, дедим ундай гўзални,
Кўрмаганман кезиб бу кенг дунёни.

Инсон йўл юради эзгу тарафга,
У қадам қўяди қараб атрофга.
Меҳнат кутар ундан азму жасорат,
Уни элтар нури манзил шарафга.

Суҳбатга қўшилган қалбан турлидир,
Сўзи гоҳ мавҳуму, гоҳи кўрлидир.
Дил бўлса мусаффо, у гўзал эрур,
Пок дилинги айтар сўз, лафзи нуридир.

Хаёлинг қолмасин дилда муаллақ,
У ёрқин бўлмаса этарми ярақ,
Ҳаёти жўшқинлик фазилат эрур,
Ҳаракат измила йўли бўлур ҳақ.

Баробармас қўлда беш бармоқ,
Лекин бир хил ҳолату юрмоқ,
Бири улуг, бири кичик бўлсада,
Улар яшар доим бирга дўст, иноқ.

Она қалбда фарзандин тутар,
Йиқилса талпиниб қўлини тутар,
Она қўли қудрат доимо,
Ундан ҳаёт заҳмати ўтар.

Инсоннинг меҳр, эътиқоди кўзгудир,
Шодлик дамларида нури туйғудир
Адолат бошлайди дилни пок йўлга,
У пок йўлда одамийлик эзгудир.

Йиллар ошар, гуллар очар Истиқлол,
Гулларининг йўли нури истиқбол,
Улар билан она элда омонлик,
Азму меҳри олам аро у иқбол

НАЗАРМАТ.

XXI asr va dunyo

Mamlakatlar
Odamlar
Voqealar
G'aroyibotlar

Eng
songi
xabarlar



ЛИТВА:

ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТ ҚАСАМЁД ҚИЛАДИ

Ўтган якшанба куни Литвада президент сайловининг иккинчи босқичи ўтказилди. ПАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарга кўра, унда Либерал-демократик партия етакчиси, мамлакатнинг собиқ бош вазири Роландас Паксас голиб чиққан. Амалдаги президент В. Адамкус миллий телеканал орқали мағлубиятини тан олиш билан бирга, Роландас Паксасни ғалаба билан табриклади. Янги президент февраль ойи охирида қасамёд қабул қилади.

ВЕНЕСУЭЛА:

ТАРТИБСИЗЛИКЛАР БАРҲАМ ТОПАЁТГАНДЕК

ПАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарга кўра, Венесуэла ҳукумати мамлакатдаги ғалаёнлар натижасида фаолиятини тўхтатган нефт мажмуаларининг қайта иш болашини маълум қилган. Айрим кузатувчиларнинг фикрича, бу ўзгаришлар мамлакатда осойишталик қарор топаётганидан дарак беради.

ШИМОЛИЙ КОРЕЯ:

МУАММО ЧИГАЛЛАШМОҚДА

Шимолий Корея ҳукумати ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномадан чиқишини маълум қилди. Бу ҳалқаро ҳамжамиятни қаттиқ ташвишга солмоқда. Устига-устак, Пхеня мамлакатдаги ядровий иншоотларни назорат қилиш борасида кафолатлар тўғрисида Атом энергетикаси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) билан имзоланган битими ҳам бекор қилишини билдирди. ҚХДР ушбу қарорини изоҳлар экан, мамлакатдаги ядро иншоотлари фақат электр қуввати ишлаб чиқариш мақсадида ишга туширилишини айтмоқда.

Хуллас, яриморолдаги вазият соат сайин ўзгариб турибди. Бундай пайтда воқеалар қандай ривожланишини олдиндан башорат қилиш анча мушкул. Лекин, шу ҳол кўзга ташланмоқдаки, томонлар Корея яримороли билан боғлиқ муаммони тинч йўл билан ҳал қилишга ҳаракат қилаётир. Ҳозирги шароитда эса, шунинг ўзи ҳам катта гап.

ОБИДАЛАРНИНГ ЭЛЕКТРОН НУСХАСИ

АҚШ ҳукумати мамлакатдаги барча тарихий-маданий мажмуалардан электрон нусха олишга қарор қилди. Бундай таклиф аслида мамлакатдаги Миллий боғ хизмати томонидан илгари сурилган. Бу ҳаракатдан асосий мақсад ҳар қандай шароитда ҳам бетакрор обидаларнинг йўқ бўлиб кетишига йўл қўймаслиқдир.

Бу ишга Техасдаги техника университети ходимлари бош қўшди. Улар Озодлик ҳайкалининг лазерли нусхасини тайёрлашни ўз зиммасига олди. ПАТА-ТАСС маълумотларига қараганда, бунга икки йилдан ортиқроқ вақт керак бўлар экан. Иш ниҳоясига етгач, нусхалар Конгресс бош кутубхонаси ва АҚШ миллий архивига топширилади. Яна бир нусха ҳукуматнинг махфий архивига берилади.

Соҳа вакиллари ўз фаолиятини Жанубий Дакота штатидаги Рашмор меъморий мажмуидан бошлади. Бу ерда АҚШнинг тўрт президенти - Жорж Вашингтон, Томас Жефферсон, Авраам Линколн ва Теодор Рузвельтнинг ҳайкаллари ўрнатилган.



ИСРОИЛ: ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВИ ЯҚИНЛАШМОҚДА

Исроилда муддатдан олдин бўлиб ўтажак парламент сайловига жаҳон ҳамжамиятининг қизиқиши катта. 2002 йилнинг охирида мамлакатда юзага келган сиёсий инқироз туфайли амалдаги парламент тарқатиб юборилган эди. Бу галги оммавий сиёсий тадбир 28 январь куни ўтказилиши режалаштирилган.

Мамлакат қонун чиқарувчи органида кўпроқ ўрин эгаллаш учун асосий кураш «Ликуд» ва «Авода» партиялари ўртасида кечиши ҳозирдан маълум. Мазкур сайлов натижалари тузилажак янги ҳукумат таркибини аниқлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Боиси, Исроил қонунларига кўра, президент Моше Кацав парламентда энг кўп ўринни қўлга киритган партия етакчисини бош вазир этиб тайинлайди.



Испания. Мадриддаги коррида.

КЕЛАЖАК ТАОМЛАРИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Сўнги йилларда озиқ-овқат саноатига катта эътибор берилмоқда. Олимлар қандай қилиб дориларни озиқ-овқат билан бирлаштириш ҳақида бош қотирмоқда. Яқин келажакда ҳабдори қолмайди, барча керакли дорилар мевалар таркибига киритилади. Мисол учун олма таркибига, яъни унинг генетик тузилишига ухлатадиган ва тинчлантирувчи кукун аралаштирилади. Киши хасталикка чалинса, ширин мевалар истеъмол қилиши кифоя - касаллик енгиледи. Айна шундай усулда кофеинсиз қахва, ёғсиз гўшт ишлаб чиқариш мумкин. 1996 йилда инсон организмга тушувчи микроб тухумларини ўлдирадиган генетик маккажўхори ўстирилган эди. Махсулотга талаб ортганидан, бундай жўхори экиладиган далалар 25 баробар кенгайди. Ҳозир 13 давлатда шундай жўхори ўстирилмоқда. Улар орасида АҚШ, Франция ва Аргентина етакчилик қилади. Мазкур мамлакатларнинг ўзида 44,4 миллион гектар ерда фақат маккажўхори етиштирилади. Фарба кенг омма генетик озиқ-овқатга жиддий қаршилик билдирмаяпти. Улар бир вақтнинг ўзида мазали ва фойдали овқат туфайли иш унуми ошишига ишонади. Демак, эллик йилдан сўнг одамларга озиқ-овқат махсулотларининг янада янги турлари тавсия этилади. Лекин нимани истеъмол қилиш ҳар кимнинг шахсий фикрига боғлиқлигича қолаверади.



(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

Шарҳловчи минбари

АҚШ:

НЭНСИ ХОНИМ – ДЕМОКРАТЛАР ЕТАКЧИСИ

АҚШ Конгресси тарихида биринчи марта аёл киши партия фракциясига раҳбарлик қиладиган бўлди. Бу лавозимни 62 ёшли Нэнси Пелоси эгаллади. Амалдаги тартиб-қоидаларга кўра, партиядошлари олдида қасамёд қабул қилган Нэнси хоним кейинги сайлавгача демократларнинг мамлакат Конгресси Вакиллар палатасидаги фракциясига раҳбарлик қилади.

Шу пайтгача ҳеч бир аёл АҚШнинг олий қонун чиқарувчи органида фракция етакчилигини қўлга кирита олмаган эди. Шу сабаб ҳам Н.Пелоси тарафдорлари «биз бу кунни 200 йил кутдик», деган хитоблар билан янги раҳбарни олқишламоқда.

ПАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар беришича, Нэнси хоним нафақат ғалаба нашидасини, балки келгусида бундан каттароқ лавозимни кўзлаётганини ҳам яширмаяпти. У яна икки йилдан кейин Конгресснинг куйи палатасига бўлиб ўтадиган сайловда демократлар голиб чиқишини таъкидламоқда. Н.Пелосининг сўзларига қараганда, ана шу пайт мамлакат ҳаётида яна бир тарихий воқеа юз беради. Яъни, Вакиллар палатаси раиси лавозимини ҳам биринчи марта аёл киши эгаллайди.

Демократларнинг собиқ етакчиси Ричард Гепхард

2002 йилнинг ноябрь ойида бўлиб ўтган сайловдаги мағлубиятдан сўнг фракция раҳбарлигидан кетишини маълум қилган эди. Шундай қилиб, АҚШ Конгрессининг ўтган сешанба куни бошланган 108-қақриқ йигилишига демократлар янги етакчи билан ташриф буюрди.

Калифорния штати вакили ҳисобланган Нэнси Пелоси қатъияти ва мустаҳкам иродаси билан ном чиқарган. У гапини ўтказиш учун охиригача курашишини кузатувчилар жуда кўп таъкидлайди. Бироқ қатъийлик Нэнси хонимнинг ягона хислати эмас. У ишчанлик борасида ҳам унча-мунча эркакларни орта қолдиради.

Озод РАЖАБОВ,
Ўза шарҳловчиси.

ШРИ-ЛАНКА:

МУЗОКАРАЛАР ҚИЙИН КЕЧАЯПТИ

Таиланд пойтахти Бангкокда Шри-Ланка ҳукумати вакиллари билан «Тамил Илама» Озодлик йўлбарслари айирмачи гуруҳи раҳбарияти ўртасидаги музокараларнинг навбатдаги босқичи бошланди. Мақсад - мамлакатда анча йилдан буён давом этаётган фуқаролар урушига чек қўйиш.

ПАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарда айтилишича, музокара анчайин мураккаб шароитда ўтаётир. Ҳукумат тамил айирмачиларидан қуролсизланишни, «йўлбарслар» эса ҳукумат армияси «хавфсизлик ҳудуди»ни тарқ этишини ва минглаб қочқинларни қайтаришни талаб қилмоқда.

Sport

Sport

Sport

СОБИР РЎЗИЕВГА — ОЛТИН ОРДЕН

Ўтган 2002 йил мамлакатимиз спортчилари учун муваффақиятли бўлди. Юрtdашларимиздан 42 нафари халқаро тоифадаги спорт устаси, 365 нафари эса, спорт устаси Фахрий унвонини қўлга киритди.

Миллий Олимпия кўмиталари ассоциацияси президенти Марио Васкес Рана номидан Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси президенти Собир Рўзиевга табрик хабарномаси келди. Унда МОҚА ижроқўми ҳамда унинг 13-бош ассамблеяси қарорига мувофиқ Собир Рўзиев олимпия ҳаракатини ривожлантиришдаги улкан ҳиссаси учун ушбу ташкилотнинг энг нуфузли унвони — Олтин орден билан тақдирланганлиги маълум қилинган.



ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

Футбол бўйича XII миллий чемпионатнинг олий табақасида 16 та жамоа иштирок этади. Ўзбекистон Футбал федерациясида бўлиб ўтган қуръа ташлаш маросими нотижаларига кўра, вилоятимиз вакиллари «Металлург» ва «Дўстлик» дастлабки учрашувларни сафарда ўтказадигон бўлишди.

«Металлург» Тошкентда «Трактор» билан баҳс юритади. «Дўстлик» эса Андижонда майдон эгаларига қарши ўйнайди.

Чемпионат баҳслари 18 мартда бошланади.

Мамлакат Кубоги баҳсларида муваффақиятли қатнашиб, нимчорак финал ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган жамоалар ўртасида жуфтликларни

аниқлаш учун қуръа ташлаш маросими ўтказилди. Унга кўра, «Металлург»

«Сурхон» билан сафарда учрашди. «Дўстлик» эса, Фарғонада «Нефтчи»га қарши майдонга тушди. Нимчорак финал учрашувлари икки ўйиндан иборат бўлиб, жамо-



алар ўз майдонлари ва сафарда учрашадилар. Нимчорак финал баҳсларининг дастлабки ўйини 10 апрелга белгиланган.

Талъат ЮСУПОВ.

Ёш ижрочилар маҳорати

Хитой Халқ Республикасининг Ксиамен шаҳрида ёш ижрочиларнинг П.Чайковский номидаги 4-халқаро ўсмирлар танлови бўлиб ўтди. Унда ўзбекистонлик бир гуруҳ иқтидорли ёш иштирокчилор совринли ўринларга сазовор бўлди.

Икки босқичда ҳамюртларимиз - В.А. ўтказилган танловда Успенский номидаги

республика ўрта махсус мусиқа мактаб-интернатининг ўқувчилари, фортепиано бўйича халқаро танлов совриндори Бехзод Абдураимов ва скрипка

бўйича халқаро танлов совриндори Нодир Ҳошимов муваффақиятли қатнашди. Ҳайъат аъзолари ўзбекистонлик ҳар икки навқирон санъаткор маҳоратига юксак баҳо берди.

Б.БОТИРОВ,
ЎЗА мухбири.

Bolalik bog'i

AQL DEGANI SHUNDAY BO'LSA

Podshox Hajjoj bir kun hamsuhbatlari bilan dala sayriga chiqdi. Hamsuhbatlari orqaga qaytdilar. Hajjoj yakka o'zi qoldi. Shu asnoda bir qar'i odamga yo'liqdi. Hajjoj chol bilan bir oz bahs etib, hazillashishni istadi. Oralarida quyidagi suhbat bo'ldi. Hajjoj cholga:

— Qaerliksan? — dedi. Chol:

— Shu qishloqdan, Bani Ijil qabllasidanman,

— deb aytdi.

Hajjoj:

— Xo'sh, shohlar to'g'risida nima deysan? — dedi.

— Ularni ko'rgulik qilmasn! Hammasi orsiz,

zolim, — dedi chol.

— Hm-m, mayil, Hajjoj haqida fikring qanday?

— deb yana so'radi Hajjoj. Chol bo'lsa:

— U-mi? U hammasidan zolim, olchoqroqdir.

Xudo Hajjojning ham, boshqa zollmlarning ham ta'zirini bersin, ildizlarini quritsin! — deb javob berdi. Hajjojning tusi o'zgardi.

— Ey chol, bilasanmi, men kimman? — dedi qahr bilan.

— Men qaerdan bilaman? Ko'rinishingdan bir martabali zotdirdan-da, hoynahoy, — dedi chol.

— Bo'lmasa bilib qo'y, Hajjoj — men bo'laman,

— dedi u o'sha tarzda.

Chol tushmagur esa hech dovdiramay:

— Qurboning, bo'lay, ey hukmdorim! Sen ham bilasanmi, men kimman? — dedi darhol.

— Qaerdan bilay, seni kimligingni? — dedi Hajjoj. Chol bo'lsa:

— Bani Ijil qabilasining eng mashhur tentagi

— Zayd deganlari men bo'laman-da. Har kuni shu soatlarda, ayniqsa, qattiq jinnilgim tutib qoladi, — deb javob beribdi.

Hajjoj cholning bu javobidan shu qadar xushvaqt bo'lganidan qah-qah urib kulib yuboribdi. Mammunligidan hatto, oqil qariyaga hadyalar berib, ko'nglini ko'taribdi.

Chindan ham zolim Hajjojning qahr-g'azabidan faqat ana shunday aql quroli bilan qutulmoq mumkin edi-da. Yo'qsa, naq kalla ketardi-ya.

Kumush EGAMBERDIEVA tayyorladi.

Чимилдиқ — ҳар бир қиз орзу қиладиган покиза ошиён. Қайси қиз чимилдиқда сулувланиб, ороланиб, минг хил товланиб келин салом қилмоқни орзу этмайди, дейсиз?

Ахир, бу онларни кун санаб кутди-я. Чимилдиқнинг бир четини суриб қўйиб, ўзини кўрмоққа талпинаётганларнинг истиқболга ошиқмасинми? Ана ўшанда «келин бўлмиш қандай экан?» — дея қизиқиб келганларнинг олди-га шундай ясаниб чиқадики... Оҳори тўкилмаган либосда, ҳарир парда остида гўзал табассум билан сарвдай қаддини саломга эгадики, сеҳрланиб қола-сиз.

Яна аста-аста қадам ташлаб, лов-лов ёниб чимилдиққа яширимоққа шошилади. Бу қандай ибод, ҳаёки, охуудийн хуркиб, аммо нафис товушда, гул юзидаги пардасини кўтармай, «сиз ўшамиз?» — дея титраётган Кумушбидини кўз олдингизга келтирасиз. Ана шунда қай бир қизнинг хусну-латофатда, одобу андишада шарқ гўзалларининг тимсоли бўлган Кумушдай бўлгуси келмайди, дейсиз?

Чимилдиқ — шундай чиллалли, қутлуғ ошиён.

Ҳатто чимилдиққа кирган қизларга айтилаётган ёр-ёрлар ҳам ўзгача бўлади:

**Йиғлама қиз, йиғлама,
Туй сеники ёр-ёр.
Остонаси тиллодан,
Уй сеники ёр-ёр.**

Бунда ҳеч ким ҳеч нарсани қизганмайди, бору йўғини ўғлининг ёнида офтобдай кулиб, куёшдай чаррақлаб турган келинига атаб юборади. Дуолар ҳам мўл-кўл, қутлуғ бўлади: «илоё чимилдиқ кўриб яйранглари, ёр-ёр тинглаб яшанглари, алла

айтиб кўпайишинглари».

... Бу хонадонда эса, тамоман акси. Тўғри, ёшлар севишиб, турмуш қурмоқдалар. Лекин, олий маълумот-



ли, кўхликкина, маҳалланинг олди қизларидан бўлган Нуржаҳоннинг боши эгик.

... Кечагина ҳамманинг ҳавасини келтириб, шаҳар ҳавосини олганлигини билдириб юрган эди. Бир лаҳзалик нафсини жиловлай олмай, гафлатда қолди. Йигити унга уйланади, лекин уйдагилари: «Данғиллама тўй-томошасиз, оқ кўйлак киймасдан, чимилдиққа кирмасдан, келин бўлса майли», — дея шарт қўйишган. На-чора, ўзи пиширган ошни «ўзи ейди-да». Рози бўлмай, қаёққа борарди, энди.

Хотин-халаж орасида шивир-шивир бошланди:

— Ҳеч кимни менсимай, қанча совчиларни қайтарган эди-я, эссиз.

— Карнай-сурнай ҳам чалинмайди, чоғи.

— Ё тавба, қиз онасига тортаркан-да, биласизми, онаси ҳам чимилдиқ кўрмаган...

— Куёв навкарларсиз, ёр-ёрларсиз келин бўлмоқлик, қизнинг ўзига берилган баҳо-да, айланай, илоё қиз-

Турмуш чорраҳаларида

ларимизга инсоф берсин...

Нуржаҳонни совуқкина кузатиб қўйишди, гуллапалақар тутилмади, ёр-ёр айтимлади, бошидан сочқилар сочилмади, исириқлар тутатилмади, бош янгаси мен бўлман, деб ҳеч ким янгаликни талашмади, чимилдиқ ҳам тутилмади. Нуржаҳон мана шу орзуларининг ўз остонасида қолиб кетганлигига юм-юм йиғлар эди-ю, аммо жуда кеч...

Дугона бўлишга зўрға кўндирган Гулҳаё сикилиб кетди, азбаройи аслида сулув ва ҳаммадан бошқача бўлган дугонасига ачинганидан пичирлабгина деди:

«Куёвнинг остонасига етиб қолдик, ҳеч бўлмаса озроқ бўлса ҳам ёр-ёр айтилик». Бошқа вақтда сўзини ҳам, йўлини ҳам ҳеч кимга бермайдиган шўх ва шаддод янгаси — Барчиной кўзларида ёш билан нола бошлади:

**Чимилдиққа кирмаган қиз,
Ёстиқларинг хўл бўлди,
Ўзганинга ўзинг қилдинг,
Ажаб бўлди, хўп бўлди.**

**Чимилдиққа кирмаган қиз,
Оқ кўйлакка боқмадинг.
Қош-кўзларинг ёндириб,
Тиллақошлар тақмадинг.**

**Чимилдиққа кирмаган қиз,
Юзларинг ҳам қизармас,
Янгаларинг «мум» тишлаган,
Сочқилар ҳам сочолмас.**

**«Келинни бир кўрайлик» деб,
Юзинг ҳен ким очолмас,
Чимилдиққа кирмаган қиз, —
Кумушбиди бўлмас...**

Анора КАРИМОВА.

Биласизми?

Коста-Рика, Эквадор ва Лотин Америкасидаги вилоятларда маҳаллий халқ «Сорвейра» — сўғич деб атайдиган ажойиб дарахт ўсади. Бу дарахтнинг пўстлогини қирқиш биланок ундан «сут» оқа бошлайди. Унинг мазаси сигир сутига анча

ушхайд. Ушбу дарахтдан бир соат мобайнида бир литргача сут олиш мумкин. Бироқ, бироз вақт ўтгач, сут қуюқлашиб қолади (яъни ачиб қолади). Бу сигир дарахтини йилнинг истдан «сут» оқа бошлайди. Унинг мазаси сигир сутига анча

Тошкент вилояти Маданият ишлари бошқармаси, вилоят илмий услубият маданият маркази жамоалари, Касаба уюшмаси маъмурияти маданият маркази раҳбари ўринбосари Худойберди Саитназарович Примовга акаси

КОМИЛЖОННИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТДА ПРАВДА

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Шевфонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар:
133-70-10, 136-53-80.

Манзилимиз:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат
матбуот кўмитасида 8 рақами
билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
тоҳририяти компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.

• Эълон ва билдирув-
лардаги факт ҳамда да-
лилларнинг тўғрилиги учун
реклама ва эълон берув-
чилар масъулдир.